

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТУШУНЧАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Чибилова Мохира Кушбековна

Тошкент давлат юридик университети

Магистратура ва сиртки талим факултети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10429979>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида одил судловни амалга оширишнинг шакллари (турлари) белгиланган бўлиб, улар конституциявий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноий иш юритиш деб аталади (130,132 ва 134-моддалар). Кўриниб турибдики, фуқаролик суд ишларини юритиш деганда ишларни умумий юрисдикция судларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тушунилади.

Шу билан бирга, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини белгилаб берган ҳолда, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда фақат умумий юрисдикция судларининг фаолияти назарда тутилган.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчасига фанда турлича таъриф берилади. Биринчи гуруҳ айрим олимларнинг фикрича, бу фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш тартиби¹. Бошқа бир иккинчи гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса, фуқаролик суд ишларини юритиш суд ва фуқаролик процессининг бошқа субъектларининг фуқаролик процессуал қонунчилиги билан тартибга солинадиган фаолияти, шунингдек, ижро ишларини юритиш деб ҳисоблайдилар².

Яна бир учинчи гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса буни битта мураккаб ҳуқуқий муносабатлар ёки фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар мажмуи сифатида белгилайди³.

Тўртинчи гуруҳ нуқтаи назар тарафдорлари, фуқаролик суд ишларини юритишга суд ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг фаолияти ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар сифатида қарайди⁴.

Бешинчи гуруҳ нуқтаи назар тарафдорлари фуқаролик суд ишларини юритиш учта элементдан иборат:

1. процессуал фаолият;
2. процессуал муносабатлар;
3. процессуал шакл деб тушунадилар⁵.

М.Мамасиддиқов фикрича фуқаролик суд ишларини юритиш деганда, фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан белгиланган фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби тушунилади⁶.

М.Ю.Лебедев фуқаролик суд ишларини юритишни суднинг ва процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларининг судга тааллуқли моддий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ва бошқа ишларни кўриб чиқиш ва ҳал

¹ Гражданский процесс: Учебник 8-е изд. перераб. и доп./ под ред. д.ю.н. В.В. Яркова. М.: Юрист. – 2015. -182 с.

² Гражданский процесс. Учебник для вузов / Отв. редакторы проф. К. И. Комиссаров, проф. Ю. К. Осипов. Издание 10-е переработанное и дополненное. М.: БЕК. - 2018. – 245 с.

³ Гагаринов А.В. Понятие гражданского процесса // Правоведение. -2018.-№ 4. - 16 с.

⁴ Баранов И.В. К вопросу об основаниях возбуждения гражданского судопроизводства // Арбитражный и гражданский процесс. -2015. - №5. 132 с.

⁵ Диордиева О.Н. Предварительное судебное заседание в гражданском процессе. // Мировой судья. – 2020.- №6. – 24 с; Нахова Е.А. Портнова А.А. Понятие и задачи гражданского судопроизводства.//Царскосельские чтения. 2015. С 202-208.

⁶ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент ТДЮУ. 2020. –Б. 18

қилиш бўйича норматив жиҳатдан тартибга солинадиган фаолияти сифатида белгилайди⁷.

Н.А.Чечина ва Д.М. Чечоталарнинг фикрича, фуқаролик суд ишларини юритиш - бу фуқаролик ишларини суд томонидан тўғри ва тез кўриб чиқиш ва ҳал қилишга қаратилган фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормаларида назарда тутилган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тартиби (фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш тартиби)⁸.

Г.Л. Осокина фикрича, фуқаролик суд ишларини юритиш судлар ФПК ва қонун нормаларига амал қилган ҳолда фуқаролик ишларини умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тушунилади⁹.

М.К. Треушников эса фуқаролик суд ишларини юритиш фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормаларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби деб номланиши лозимлигини таъкидлайди¹⁰.

Т.В. Сахнова фуқаролик суд ишларини юритишни фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш тартибини ҳуқуқий тартибга солувчи қоидалар тизими сифатида, шунингдек, фуқаролик процессининг ҳар бир иштирокчисининг ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти сифатида тушунади¹¹.

З.Эсанова фикрича, фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси бевосита фуқаролик ишларини судда кўриш мазмуни ва шаклини ифодалайди¹².

Юқорида ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ҳамда фуқаролик суд ишларини юритишнинг энг муҳим хусусиятларидан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларини юритишга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **фуқаролик суд ишларини юритиш** – фуқаролик ишини умумий юрисдикция суди томонидан кўриб чиқиш ва ҳал қилишда суд ва бошқа субъектлар ўртасида юзага келадиган фуқаролик процессуал қонунчилиги билан тартибга солинадиган процессуал ҳаракатлар ва фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар мажмуи. Ушбу таърифдан фуқаролик суд ишларини юритишнинг қуйидаги хусусиятлари келиб чиқади:

- 1) суд фуқаролик суд ишларини юритишнинг мажбурий субъекти эканлиги;
- 2) суд ва процесс иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳуқуқий, фуқаролик процессуал ҳаракатлардир;
- 3) фуқаролик суд ишларини юритишнинг предмети, объекти кенг маънода фуқаролик ишларидир.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддасида умумий юрисдикция судида фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий вазифалари ва мақсадлари кўрсатилган. Умумлаштирилган шаклда улар фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг зарур ва кутилган натижаси тўғрисида бутун жамиятнинг ғояларини ифодалайди. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг барча бошқа нормалари ва процесс субъектларининг фаолияти фуқаролик суд ишларини

⁷ См.: Лебедев М.Ю. Гражданский процесс: учеб. 7-е изд., перераб. и доп. М.: Изд-во Юрайт; 2021. С. 17.

⁸ Гражданский процесс / под ред. В.А. Мусина, Н.А. Чечиной, Д.М. Чечота. М., 2020. С. 3.

⁹ Осокина Г.Л. Гражданский процесс. Общая часть. М., 2018. С. 21.

¹⁰ Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К. Треушникова. М., 2016. С. 94 (автор главы — М.К. Треушников).

¹¹ Курс гражданского процесса / Т.В. Сахнова. — 6-е изд., перераб. и доп. — М.: Статут, 2022. — с 25.

¹² Z.Esanova. Fuqarolik protsessual huquqi. Darslik. —Toshkent. Yuridik adabiyotlar publish. 2022. —Б.18.

юритишнинг қайд этилган умумий вазифалари ва мақсадларига зид бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари ҳам одил судловни амалга оширишда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишни кафолатлайди.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Шорахметов фуқаролик суд ишларини юритиш (фуқаролик процесси) вазифалари тўғрисида шунини айтиш керакки, фуқароларнинг шахсий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир деб таъкидлайди¹³.

М.Мамасиддиқов фикрича, фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу билан фуқароларни қонунлар, ҳуқуқ нормаларини бажаришга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни назарда тутади¹⁴.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларидан кўриниб турибдики, фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдир. Суд ва фуқаролик процессининг бошқа иштирокчиларининг процессуал фаолиятини мақсадли йўналтиришнинг бундай кетма-кетлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13, 19, 20, 24-моддаларида белгиланган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг устувор аҳамияти тўғрисидаги қоидаларига мос келади.

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, фуқаролик иши бўйича суд ишларини юритишнинг мақсади низоли ҳуқуқий муносабат соҳасига жалб этилган барча субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган¹⁵.

П.Д.Печегина фикрича, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари - бу фуқаролик суд ишларини юритишнинг пировард мақсадига эришишга қаратилган суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал фаолиятининг норматив тарзда белгиланган оралиқ мақсадлари – фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг бузилган ёки баҳсли(низоли) ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.¹⁶

Е.В.Слепченко фикрича, суд процессининг мақсади ишни моҳиятан ҳал этиш, демак, далилларга асосланган суд ҳал қилув қарори бўлган суд ҳужжатини чиқаришдир¹⁷.

¹³ Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент. ТДЮИ. 2016. –Б.13.

¹⁴ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент ТДЮУ. 2020. –Б. 18.

¹⁵ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент ТДЮУ. 2020. –Б. 19.

¹⁶ Печегина Полина Денисовна. Задачи гражданского судопроизводства. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –Москва. 2022. -7с.

¹⁷ Слепченко, Елена Владимировна. Гражданское судопроизводство: проблемы единства и дифференциации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Санкт –Петербург. 2012. С.14.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, фуқаролик суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари ўзаро бир-биридан фарқ қиладиган тушунчалар ҳисобланиб, лекин одил судловга эришиш воситаси бўлиб бир-бирини тўлдириб боради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида кўрсатилган ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича умумий вазифалар барча фуқаролик суд ишларини юритишнинг якуний мақсадларига эришиш воситасидир. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичидаги вазифаларнинг ўзи ҳам процессуал қонунда белгиланган аниқ вазифаларини бажариш орқали эришиладиган якуний мақсадлар сифатида тушунилади.

Ушбу моддада кўрсатилган асосий ва факультатив мақсадлар якуний бўлиб, бутун фуқаролик процесси давомида ўзгаришсиз қолади ва умумий вазифаларни амалга ошириш орқали эришилади, шунингдек, ҳар бир процессуал ҳаракатнинг тўғри ва ўз вақтида бажарилиши талаби сифатида фуқаролик иши қўзғатилгандан бошлаб ва у тугагунга қадар амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддасига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларидан бири фуқаролик ишларини **тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш** ҳисобланади.

Бу борада ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқов ўз фикрини билдириб, фуқаролик ишларини тўғри кўриш ва ҳал этиш деганда, мазкур ишни қонунлар, асослантирилган далиллар асосида кўрилиши ва ҳал этилиши тушунилади¹⁸.

П.Д.Печегина фикрича, “ишларнинг тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш” тегишли тартибда текширилган алоқадор, мақбул, ишончли ва етарли суд далиллари асосида ҳолатларни тўғри аниқлашни, аниқланган фактик ҳолатларга нисбатан моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллашни, суднинг ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг процессуал ҳаракатларини амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ амалга оширишни, фуқаролик процессуал принципларига риоя қилишни, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишни назарда тутди.¹⁹

Ушбу фикрларни қўллаб қувватлаган ҳолда шуни айтиш керакки, фуқаролик ишларини **тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш деганда** фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонунга ва фуқаролик суд ишларини юритиш принципларига, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал қилув қарорлари ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш бўйича фаолияти тушунилади. Бошқача айтганда, суд ҳужжатлари қонуний, яъни юридик жиҳатдан тўғри, асосли, яъни фактик томондан тўғри бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

Ҳал қилув қарори, унда иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар, суд томонидан текширилган далиллар билан тасдиқланган, уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги

¹⁸ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. —Тошкент ТДЮУ. 2020. —Б. 19.

¹⁹ Печегина Полина Денисовна. Задачи гражданского судопроизводства. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. —Москва. 2022. -7с.

қонун талабларига жавоб берадиган ёки суд ҳаммага маълум деб топган, исботлашга муҳтож бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, аниқланган фактлардан келиб чиқадиган якуний ҳулосалар акс эттирилганда, асослантилган ҳисобланади (ФПК 73 — 75-моддалари)²⁰.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг яна бир вазифаси фуқаролик ишларини суд томонидан **ўз вақтида** кўриб чиқиш ва ҳал қилишдир.

Бу борада ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқов фикрича, фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш деганда эса, мазкур ишларни қонун билан белгиланган процессуал муддатларга амал қилган ҳолда ҳал этиш назарда тутилади. Шунингдек, суд фуқаролик ишларини суд мажлисида кўриш билан чекланмайди, балки ҳал қилув қарори чиқариш орқали ишни мазмунан ҳал этади. Бундай ёндашув фуқаролик суд ишлари юритиш вазифаларини процесснинг барча босқичларда қўллаш имконини яратади²¹.

Юқоридаги фикрларга тўлиқ қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, бизнинг фикримизча, **ўз вақтида кўриб чиқиш** деганда фуқаролик ишларини фуқаролик процессуал қонунчилигида ва суд томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқиш тушунилади. Фуқаролик ишларини умумий юрисдикция суди томонидан кўриб чиқиш ва ҳал этиш муддатлари ФПКнинг 207-моддаси ва бошқа нормаларда назарда тутилган. ФПКнинг 207-моддасига асосан, фуқаролик ишлари суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади²². Бироқ, фуқаролик ишларининг айрим тоифалари биринчи инстанция суди томонидан қисқароқ (қисқартирилган) муддатларда кўриб чиқилиши керак. Мисол учун, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан кўрилиши керак.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг навбатдаги вазифаси **қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш**дан иборат. Қонунийлик деганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга ва уларга асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиш режими тушунилади. Бу вазифа нафақат суд томонидан тўғри суд қарорларини чиқариш, балки ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий зиддиятларни бартараф этиш орқали ҳам ҳал этилади. ФПКнинг 14-моддасига мувофиқ, суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаса, бошқа қонунчилик ҳужжатларини ҳам қўллайди.

Ҳуқуқ-тартиботни деганда қонунийлик талабларига жавоб берадиган ижтимоий муносабатлар тартиби тушунилади. Шундай қилиб, суд қонунийликни мустаҳкамлашни таъминлайдиган ҳуқуқий воситалар (адолатли ёки тўғри суд қарорлари, ҳуқуқий зиддиятларни бартараф этиш) бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш воситасидир.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.05.2019 йилдаги 12-сон “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарорининг 3- ва 4-моддалари

²¹ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. —Тошкент ТДЮУ. 2020. —Б. 19.

²² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. —Тошкент. Адлия вазирлиги. Адолат. 2022.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашишни назарда тутди. Бу вазифани амалга оширишда судлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Судлар томонидан фуқаролик процессуал қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши фуқаролик ишининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларда қонунларга ҳурмат руҳини шакллантиришни таъминлайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишда суд ушбу низоларнинг вужудга келиш сабабларини ва низоли ҳолатларнинг, мансабдор шахслар томонидан қонун, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг зарурий шартларини аниқлаш лозим. Судлар фуқаролик ишларини кўришда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятидаги бошқа ҳуқуқбузарлик ва камчиликларни эътиборсиз қолдиришга ҳақли эмас. Суд фуқаролик ишини кўриб чиқишда айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва тартибни бузганлигини аниқлаб, хусусий ажрим (қарор) чиқаради ва уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади, улар кўрилган чоралар тўғрисида судга хабар беришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сон қарорига мувофиқ, судларга ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф қилишга йўналтирилган чораларни кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш, меҳнат қонунларининг бузилиши бўйича аниқланган фактлар юзасидан хусусий ажримлар чиқариб, муносабат билдириш бўйича тушунтириш берилган²³.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашишга қаратилган суд ишларини юритишнинг вазифасини амалга оширишдаги муҳим процессуал чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш ва ҳал этишни кўрсатиш мумкин²⁴.

Адабиётларда ҳам айрим тоифадаги фуқаролик ишлари, хусусан меҳнат низоларининг сайёр суд мажлисларида, яъни корхона, ташкилотларда меҳнат жамоаларининг иштирокида кўриб ҳал этилиши меҳнат қонунлари бузилишининг олдини олишдаги муҳим процессуал чора сифатида эътироф этилади.²⁵

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарорининг 31-бандида кўрсатилишича,

²³Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сон қарори // lex.uz.

²⁴ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Мўаллифлар жамоаси. –Тошкент ТДЮУ. 2020. –Б. 20.

²⁵ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари // Монография. -Т.: ТДЮИ. 2005. -18 б.

судларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни, зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш бўйича тушунтириш бериб ўтилган²⁶.

Албатта, фуқаролик суд ишлари юритиш мақсад ва вазифаларининг аҳамиятини тўлиқ тасаввур этиш учун бошқа хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш лозим.

Шу нуқтаи назардан МДХ таркибига кирувчи мамлакатлар процессуал қонунчилигига мурожаат қиладиган бўлсак, Россия Федерацияси ФПКнинг 2-моддасида кўрсатилишича “Фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари фуқароларнинг, ташкилотларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Россия Федерацияси, Россия Федерацияси субъектлари, маҳаллий тузилмалар, фуқаролик, меҳнат ёки бошқа ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳисобланган бошқа шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриш ва ҳал этишдан иборат. Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликларни олдини олишга, қонун ва судга ҳурмат муносабатида бўлишга кўмаклашиши лозим”²⁷. Мазкур нормани таҳлил қиладиган бўлсак, бизнинг фуқаролик процессуал қонунчиликдан фарқли жиҳати сифатида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари биров кенгроқ берилганлиги ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадини алоҳида кўрсатиб ўтилганини қайд этиш лозим.

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 5-моддасида шундай кўрсатиб ўтилган:

“Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролар, давлат ва ташкилотларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат”²⁸.

Ушбу модда мазмунидан кўриниб турибдики, фуқаролик суд ишлари вазифалари анча қисқа ва содда келтирилган бўлиб, фуқаролик ишларида субъектлар доираси умумий маънода кенг берилган.

Беларусь Республикаси ФПКнинг 5-моддаси “Фуқаролик процессуал қонунчилиги вазифалари” деб номланиб, унга кўра, “Фуқаролик процессуал қонунчилигининг вазифалари фуқаролик ишларини судлар томонидан тўғри, ўз вақтида кўриш ва ҳал этишни, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этилишини таъминлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги фуқароларни қонунларга ҳурмат ва уларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, иқтисодий тизим ва мулкчиликнинг турли шакллари мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим”²⁹.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори // lex.uz

²⁷ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>.

²⁸ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. http://base.zakon.kz/doc/lawyer/?doc_id=1013921.

²⁹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // https://kodeksy-by.com/grazhdanskij_protseessualnyj_kodeks_rb.htm

Кўриниб турибдики, Беларусь Республикаси қонунчилигида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари бизнинг процессуал қонунчиликдан айрим фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради. Беларусь Республикасида фуқаролик суд ишларни юритишнинг энг муҳим вазифаси фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ва ҳал этишдан иборат бўлиб, бу орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга эришилиши назарда тутилган. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қаторига **суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлаш** ҳам киритилиши бизнинг қонунчиликдан фарқли жиҳат ҳисобланади. Фикримизча, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қаторига суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлашнинг киритилишига икки хил фикр билдириш мумкин. Биринчидан, ижро иши юритувини фуқаролик процессуал қонунчиликнинг таркибий қисмига киритилади, бироқ у алоҳида иш юритиш тартибига эга. Гарчи ижро ишлари бевосита суд билан боғлиқ муносабатда бўлиши, яъни суднинг ижро варақаларини чиқариши ва ижронинг амалга оширилишидан хабардор бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак ҳам, ижро иши юритувининг бошқа жиҳатдан суд ишлари юритиш билан боғлиқлиги мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлашни фуқаролик суд ишлари юритиш вазифаларига киритиш мақсадга мувофиқ эмас деган фикрлар мавжуд.

Иккинчидан, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қаторига суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлашнинг киритилишини тўғри деб ҳисоблаш мумкин. Чунки фуқаролик суд ишларини юритишдан асосий мақсад юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Суд томонидан низолашилаётган ҳуқуқ ва манфаатлар юзасидан фуқаролик иши тўғри, ўз вақтида кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори чиқарилса, бироқ у ўз вақтида ижро этилмаса, фуқаролик суд ишларини юритишдан асосий мақсадига эришиб бўлмайди. Фақатгина суднинг ҳал қилув қарори асосида ёзилган ижро варақасини ижро этиш орқалигина бузилган ҳуқуқ ёки манфаат ҳимоя қилиниши мумкин. Шу маънода фуқаролик суд ишлари юритиш вазифаларига суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлашнинг киритилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида МДХ мамлакатлари ва миллий фуқаролик процессуал қонунчилигини қиёсий таҳлил этиш орқали **Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддасини биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:**

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, **суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларнинг ижро этилишини таъминлаш** мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, **ҳуқуқбузарликларни олдини олишга**, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш;
қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш.”

INNOVATIVE
ACADEMY